



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (12.403)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нурунийларни эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жангҳоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Бугун ораимизда бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш — жамоатчилигимизнинг доимий эътиборида.

Илгари, совет тузуми даврида 9 май асосан Ғалаба байрами сифатида бутун СССР ҳудудида катта дабдаба билан нишонланарди. Қизил майдонларда ҳарбий парадлар ўтказилар, пионер ва комсомоллар, ишчи ва деҳқон синфи вакиллари саф ториб ўтарди, минбарда эса шўро доҳийлари турар эди. Афсуски, бундай манзарани бугун ҳам собиқ совет ҳудудидаги айрим мамлакатларда кўриш, кузатиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан 15 йил олдин мамлакатимизда бу санга Хотира ва қадрлаш куни деб ном берилганидан кейин унинг маъно-мазмунини тубдан ўзгарди. Пойтахтимизда, барча вилоят ва туман марказларида аввалги «Номаълум солдат» деб ном олган, қандайдир мавҳум гоёни ифода этадиган ёдгорлик ўрнига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Бу биринчи навбатда мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини яққол очиб беради.

Эндилликда 9 май куни мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган миллионлаб одамлар хотираси олдидида бош эгиб таъзим қиладиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган, эзгу мазмунга эга маросим тусини олди.

Ўтганларни ёдга олиш, хотирлаш, уларнинг охираати обод бўлишини тилаш айнан Мотамсаро она сиймоси орқали намоен бўлмоқда. Чексиз қайғуга чўмган Онеизор тимсолида жигарбандининг тирик эканига, унинг эсон-омон ўз бағрига қайтишига умид қилиб ўтган минг-минглаб оналарнинг тақдири, уларнинг соғинч ва изтироб туйғулари акс этган.

Хотира майдонида миллий услубда бунёд этилган пешайвонлардаги лавҳаларда ўша мудҳиш урушда ҳалок бўлган барча юртдошларимизнинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу уларнинг жасорати ва матонатига тан бериш, уруш фожияларидан сабоқ чиқаришга қаратилгандир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз ва мўътабар эканини ифода этади.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар ва депутатлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусика таралади. Соат 09:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун халқимиз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллигини, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонламоқда, — деди Ислон Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Айни шу кунларда барча-барча юртдошларимиз ўз инсоний бурчини бажо келтириб, Ватанимиз озодлиги, мусаффо осмони учун жон бериб, қурбон бўлганларнинг муқаддас хотираси олдидида бош эгиб, таъзим қиладди.

Бугун ораимизда бўлган, бизга маънавий ибрат бўлиб юрган барча уруш қатнашчиларини ана шу буюк сана билан чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф деб биламан, деди Ўртбошимиз. Шулар қаторида фронт ортида хизмат қилиб, ўта оғир шароитда ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшган юртдошларимизга, барча-барча фахрийларимизга сихат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламан.

Бугун шу улуғ айёмни нишонлар эканмиз, бу ғалабанинг кўпчиликл қаторида бизнинг халқимиз учун ҳам нақадар қимматга тушганини, халқимиз бу мудҳиш урушда қанча қурбонлар, қанча йўқотишлар берганини, қанча етим-есирлар, мислсиз азоб-қубатларни кўрганлини ёдга олсак, айтиш мумкинки, эл-юртимизнинг тақдири, унинг келажаги ҳал бўлган ўша давр-



ларни эсласак, бу қонли уруш одамларимиз хотирасида умрбод қолажак. Урушнинг тугаганига 68 йил бўлишига қарамасдан, бундай киргин, бундай офатни бугун ҳам одамларимиз алам ва изтироб билан эслайди.

Шулар ҳақида гапирганда, баъзи бир рақамларни эсга олишни ўринли, деб биламан, деди Президентимиз.

Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллионни жангларда бевосита иштирок этган. 500 мингга яқин юртдошларимиз урушда ҳалок бўлганини, қанчаси бедарак кетганини, қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай катта ҳисса қўшганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак. Айни шу кунларда халқимиз уруш даврида бошидан кечирган оғир синовларни яна бир бор хаёлимиздан ўтказар эканмиз, ўтмиш воқеалари албатта барчамизни ўйлантиради ва керакли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни такрор ва такрор исботлаб бермоқда. Яъни, тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақтлар йўл қўйган хатоларини яна такрорлаши мумкин.

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгариб, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, ҳавф-хатарлар кучайиб бораётган нотинч замонда яшаётганимизни кузатиш ва англаш қийин эмас.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ давом этаётган уруш ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта ҳавф-хатар эканлигини алоҳида таъкидлади.

Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ноҳор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда. Содда қилиб айтганда, кўп йиллардан буён давом этаётган бу қонли урушни ҳарбий куч билан ҳал қилиш мумкин эмаслигига урушда қатнашаётган томонлар тобора иқдор бўлмоқда, айнан шу ҳолатни кўпчилик тан олмоқда.

Бошқача айтганда, бу инқирозни бартараф этишнинг ягона йўли — **сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келишдир**. Ва шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтишдир. Худди шундай йўл билан бу инқирозни ечиш мумкин эди. Минг афсуски, бугунги кунда Афғонистоннинг ўзида ва унинг ташқарисидаги кучлар ўз манфаатларини кўзлаб, бу можарони сиёсий асосда ечишга қарши чиқмоқда.

Мана шундай ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда Афғонистонда жойлашган, асосан АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ деб ном олган ҳарбий кучларини яқинда Афғонистон ҳудудидан чиқариш жараёнининг бошланиши кутилмоқда. Бу Афғонистонда янги қарама-қаршиликнинг авж олишига, турли миллат ва элатлар ўртасидаги зиддият ва тортишувларни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат Афғонистон атрофидаги мамлакатлар ҳудудидида ҳам кескинлик ва катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очиқ, деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига **аралашмаслик**, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда **қатнашмаслик**, Афғонистон билан **алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади**.

Бундай ёндашув, бундай позиция бизнинг мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар билан муҳрлаб қўйилган.

Айни шундай сиёсатни олиб боришни:

- кимнингдир «ўйин»ларига қўшилмаслик;
- қўшиларишимиз билан тинч-осойишта яшаш;
- эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш;
- яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Президентимиз бундай сиёсат ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда барчамизга куч-қувват бағишлайдиган омил ва мезонлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Аввало, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, **буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни асраб-авайлаб келаётганимизда**.

Албатта, **тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди**. Бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор.

Иккинчидан, ҳар қандай кескинлик, қарама-қаршилик ва **офат келишини узоқдан англаб, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилишимиз керак**. Бунинг учун ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишимиз, бепарварликка, беғамликка йўл қўймаслигимиз зарур.

Учинчидан, **кундалик ҳаётимиздан сабоқ чиқариб, эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг мустақам пойдеворини бугун яратиб, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам, ким курашади**, деган даъват билан яшаш барчамизнинг, авваламбор, ёшларимизнинг — менинг фарзандларимнинг бурчига айланишини истардим, деди давлатимиз раҳбари.

Бугун эл-юртимиз ўз тарихида бошидан кечирган мисли кўрилмаган синов ва суронли кунларни яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилар эканмиз, ишончимиз қомил — **Ўзбекистонимиз ўз озодлиги, ўз қадр-қиммати учун ҳамиша мардлик ва матонат кўрсатиб келган, ҳеч кимга бош эгмаган ва ҳеч қачон бош эгмайд**.

Менинг истагим: ана шу гўзал ва бетакрор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон бахтли бўлсин, ҳар қайси оилага тинчлик-хотиржамлик, файзу барака доим ёр бўлсин, деди пировардида Ислон Каримов.

Шу кун Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кеча-қадар узилмади.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон шаҳрида хотин-қизлар ўртасида юзага келаётган айрим муаммолар, уларни бартараф этишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

• Жиззах политехника институтида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, мудофаа ишлари бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган уч авлод учрашуви ўтказилди.

• Балиқчи туманида «Ёшлар тарбияси — устувор вазифа» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этган тадбирда ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси, ёт гоғлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий билимларини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

• Навоий шаҳрида Обод турмуш йили ҳамда 18 май — Халқаро музейлар кунига бағишлаб «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Обод турмуш йилига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида дўстлик фестивали ўтказилди. Наманган вилояти ҳокимлиги, Республика Байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда миллий маданият марказлари раҳбарлари, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Кипр парламенти Европа иттифоқи билан инқирозга қарши келишувни ратификация қилди. Унга кўра, мамлакат Халқаро валюта жамғармаси ҳамда евроҳудудга кирувчи давлатлардан ўн миллиард евро миқдоридида маблағ олади. Режада кўзда тутилган яна 13 миллиард еврони эса ўз ҳудудидаги банкни тугатиш, шунингдек, яна бир банкни қайта ташкил қилиш ва ҳар икки молия муассасасининг катта миқдорда жамғармага эга бўлган омонатчилар маблағларидан қисман фойдаланиш орқали қопламоқчи.

• Бельгиянинг Шарқий Фландрия провинциясидаги Гент шаҳри яқинида юк поездининг издан чиқиб кетиши натижасида захарли модда ортилган тўртта цистернада портлаш юзага келиб транспорт бошқарувчиси ҳаётдан қўз юмган, 93 киши турли даражада жароҳатланган.

• Франциянинг жануби-шарқида Лусун оролида жойлашган Майон вулканининг ҳаракатга келиши натижасида тўрт нафар хорижлик сайёҳ, маҳаллий йўловчи ҳаётдан қўз юмган, етти киши эса турли даражада жароҳатланган.

• Америка кино санъати академияси «Оскар» нуфузли мукофотида даъвогарлик қилаётган фильмлар учун ўз аъзоларининг овоз бериш йўлини тубдан ўзгартирди. Эндилликда кино оламидаги энг олий мукофот соҳибларини барча номинациялар бўйича аниқлайди.

• Япониянинг «Синкай-6500» батискафи томонидан Атлантика океанининг Бразилия қирғоқлари атрофидаги қисмида 910 метр чуқурликда сувга фарқ бўлган қитъанинг қолдиқлари топилди. Япониялик олимларнинг таҳминларига кўра, топилган қолдиқлар бундан бир неча ўн миллион йил аввал океанга фарқ бўлган қитъага тегишлидир.

Куала-Лумпурда Тошкент шахрида ўтказилган «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» маззудаги халқаро конференция якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Малайзия пойтахтида жойлашган «Binary» Менежмент ва тадбиркорлик университетида ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент халқаро анжумани ишида қатнашган малайзиялик экспертлар, «Binary» университетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда Малайзия ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳозир бўлдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг халқаро конференция очилишидаги нутқи, мамлакатимизнинг илмий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда мазкур халқаро анжуманининг якуний ҳужжатлари билан атрофлича танишдилар.

Тадбир чоғида сўзга чиққанлар халқаро конференция доирасида Тошкентда ўтказган учрашувларидан олган таассуротларини ўртоқлашар эканлар, Ўзбекистон қишлоқларида уй-жой қурилишининг кўламлари юзасидан батафсил маълумот тўплашга имкон берган мазкур анжуманининг мазмуни ва амалий аҳамиятига юқори баҳо бердилар.

Дато Джозеф Адайкалам, профессор, «Binary» Менежмент ва тадбиркорлик университети ижрочи директори:

— Мазкур конференция муҳим воқеа бўлгани ҳолда у нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, йирик компаниялар раҳбарлари ва уй-жой қурилиши соҳасидаги етакчи мутахассислар учун Ўзбекистон қишлоқларида уй-жой қурилиши дастурини ҳаётга татбиқ этишда эришилган муваффақиятлар билан яқиндан танишиш имкониятини берди.

Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишига нисбатан комплекс ёндашувнинг қўлланилиши ҳамда мазкур дастури амалга ошириш йўлида мустақам қонунчилик, молиявий ва моддий пойдевор яратилгани таъсирга сазовордир. Шу ўринда қишлоқ аҳолининг шинам уй-жойларга эга бўлиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилувчи бекиёс имтиёз ва преференциялар, узоқ муддатли имтиёзли кредитларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ахмад Асри Абдул Ҳамид, Қурилиш саноати кенгашининг бош менежери:

— Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қишлоқ

аҳолисини замонавий ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш бўйича оқилона сиёсат олиб борилмоқда.

Дастурда кўзда тутилган молиялаштириш ва қишлоқ аҳолисини бундай замонавий уй-жойларни сотиб олиши учун кредитлар ажратилиши тизими ҳам муҳим ўрин тутадиган омил саналади. Янги шинам уйлари сотиб олиш учун яратилган имкониятлар қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги юқалишига хизмат қилгани ҳолда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

МАЛАЙЗИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Дато Омари бин Ҳошим, Путражая маъмурий марказининг шахар режалаштириш департаменти вице-президенти:

— Бўлиб ўтган конференция Ўзбекистон мисолида уй-жой қурилишининг қишлоқлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ривожлантириш, бундай ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини юқсалитиришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш борасида амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Анжуман дастури доирасида унинг қатнашчилари Ўзбекистоннинг илмий ривожланиши борасида тўлақонли тасаввурга эга бўлганлари ҳолда мамлакат қишлоқларида уй-жой қурилиши юзасидан эришилган ютуқлар ҳамда кредит ажратиш, лойиҳалаш, қурилиш тақдирлари томонидан намунавий лойиҳалар асосида уйлари бунёд этилиши сингари босқичларни ўз ичига олуви яхлит уй-жой қурилиши тизими билан бевосита танишдилар.

Бу йўналишда эришилган муваффақиятлар ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш, мамлакат халқига юқсак турмуш шарт-шароитларини яратиш ҳамда халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш йўлида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилган сиёсатнинг тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бисмилла Хатун бинти Абдул Кадир, «KIRKBY» халқаро тилшунослик ва инглиз тилини ўрганиш коллежининг президенти:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг халқаро конференциянинг очилишидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда уй-жой қурилиши дастурининг амалга оширилиши қишлоқ жойларини ривожлантириш, қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли турмуш тарзининг сифатини яхшилаш масалаларини ҳал қилишда муҳим восита сифатида хизмат қилаётди.

Конференция чоғида биз пойтахтдан узоқда жойлашган ҳудудларда бўлиб, у ерларда бунёд этилган муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, мактаблар, болалар боғчалари, врачлик пунктлари, савдо муассасалари ва спорт иншоотларига эга замонавий уй-жой мажмуалари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлдик.

Маълумки, қишлоқ ўқитувчилари жойларда юз бераётган ўзгаришларда муҳим ўрин тутадилар. Шу маънода, бизнинг «KIRKBY» халқаро коллежи ўз таърибаси билан Ўзбекистонда хорижий тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида қишлоқ мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш борасида ўзаро ҳамкорликка тайёрдир.

Ахмад Фуад бин Исмоил, сиёсий арбоб, Куала-Лумпур шахрининг собиқ мэри:

— Конференция ишида дунёнинг кўплаб давлатларидан келган вакилларнинг иштирок этиши Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги нуфузи ортиб бораётганидан, иқтисодий тараққиёт, ислохотлар ва модернизациянинг «ўзбек модели» жаҳонда эътироф этилаётганидан далолат беради.

Куала-Лумпур мэри сифатида 2011 йилнинг апрелида Тошкент шахар ҳокимлигининг тақлифига биноан Ўзбекистонда бўлган эдим. Мазкур сафар чоғида мамлакатингизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида юз берган кенг қўламли ўзгаришларга, юртингизда кўплаб саноат корхоналари, уй-жой мажмуалари, турли-туман бино, иншоот ва йўллар бунёд этилганига шохид бўлган эдим. Шу боис Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсоннинг фаровонлиги ҳамда ҳаёт тарзини юқсалитиш, унинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, пировардида эса унинг ҳаёт тарзи, менталитети ва тафаккурига ижобий йўналиш бериш туради, деган хулосага келган эдим.

«Жаҳон» АА

Ўзбекистон касба уюшмалари фаолиятининг 2013 йилдаги устувор йўналишлари бўйича белгилаб берилган вазифаларни изчиллик билан бажариш борасида Тошкент шахар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА — АМАЛДА

Корхона, ташкилот, муассаса-ларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш, спорт тадбирларини ўтказишда бошланғич касба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган режага биноан Тошкент ирригация ва мелiorация институтида ўқув семинари ташкил этилди.

Тошкент шахар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур семинарда туман кенгашлари, бошланғич касба уюшмалари раисларидан иборат соҳа ходимлари иштирок этишди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда касба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан таъминати ҳамда ушбу касба уюшмалари раисларидан иборат соҳа ходимлари иштирок этишди.

Чунончи, 2011 йилда тизимли ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжалланган бош келишув имзоланди. Ушбу келишув республика миқёсида амалда қўлланилаётган ҳамда янги тузилаётган тармок келишувлари, ҳудудий келишувлар ҳамда бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда иш бевосита касба уюшмаси ўртасида имзоланаётган жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини тубдан янгиллаб, янги бўлим ва бандлар билан бойитиб берди. Унинг асосида жамоа шартномаларига ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш

га оид бўлим ва бандлар киритилди. Бу, албатта, республика миқёсида аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўналишидаги тизимли ислохотларга касба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссасини қўшиш имконини яратди.

Тизимдаги такомиллаштириш ишларида ходимларнинг ижтимоий муҳофазасига эътибор жуда ҳам орди, — дейди Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Мухаббат Ўрмонбекова. — Бунда бошланғич ташкилотлар, яъни корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич касба уюшмалари кўмиталари фаолиятини жадаллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Мана шу тизимли ишларнинг самараси ўлароқ 2011-2012 йиллар давомида 230 мингдан ортиқ ходимлар ҳамда эҳтиёжманд оилабига 48 миллиард сўмликдан зиёд ижтимоий кўмак тадбирлари амалга оширилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 16 мингдан ортиқ ходимлар ҳамда оилабига 6 миллиард сўмдан зиёд ҳудуди шундай ёрдамлар кўрсатилди.

Бугунги кунда туманларда касба уюшмалари фаолиятини намунали ташкил этиш бўйича федерация томонидан олиб бориладиган ишлар якунига етказилмоқда. Мазкур тадбирда Тошкент шахри миқёсидаги касба уюшма ташкилотлари фаолиятини намунали ташкил этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, тадбирда касба уюшмалари фаолиятини яхшилаш бўйича бирлашма кенгаши бўлими мудири ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида бошланғич ташкилотларнинг иш таъриблари ҳақида корхона, ташкилотлар касба уюшма кўмиталари раисларининг маърузалари тингланди.

Абдуалим САЛИМОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Хитойнинг Хунан провинциясида мазкур провинция ва Тошкент вилояти ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоиявий салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Шанхайдаги Бош консуллиги кўмагида ташкил этилган мазкур тадбир чоғида унинг қатнашчилари мустақил тараққиёт йиллари мобайнида мамлакатимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, иқтисодиётни диверсификациялаш ва хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар билан атрофлича танишдилар. Шу билан бирга, тақдирот чоғида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари ҳудудида юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи замонавий саноат корхоналарини ишга тушириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Республикаимизнинг сармоиявий салоҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, **Хунан провинцияси Ташки ишлар бюросининг бош директори Сяо Сянцин** Хитой миқёсида кўмир ва рангли металл қазиб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган Хунан провинциясида Ўзбекистон билан тўқимачилик ва кимё саноати, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, қуёш ва шамол энергияси, тоғ-кон саноати асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ва бошқа баҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга катта қизиқиш мавжудлигини эътироф этди. У хунанлик тадбиркорларнинг Ўзбекистонда ўтказиб келинаётган бизнес-анжуманлар ва саноат кўргазмаларида мунтазам иштироки Ўзбекистон — Хитой алоқаларининг янада мустақамланишига ҳисса қўшаётганини ҳам таъкидлади.

Хунан провинцияси Ташки ишлар бюроси бош директорининг ўринбосари Цю Айхуа Ўзбекистонда ҳам, Хитойда ҳам ўзига хос миллий тараққиёт модели ҳаётга татбиқ этилаётгани ва ушбу модель асосида ҳаётнинг барча соҳаларида кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилаётганини қайд этди.

— Мамлакатингиз тарихан қисқа муддат ичида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича катта муваффақиятларни қўлга киритди. Айниқса, республика раҳбарияти томонидан аҳоли фаровонлигини юқсалитириш, ёшларни иш билан таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани алоҳида эътиборга сазовор, — деди Цю Айхуа.

Хунан провинцияси Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг бош қотиби **Цю Дингао** эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш, замонавий технологиялар ҳамда ўзаро таъриба алмашиш сингари баҳаларни Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари сифатида тилга олди.

«Жаҳон» АА

АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети инглиз филологияси факультетида «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси томонидан «Ахборот тизимлари: таълимда ва ишлаб чиқаришда» мавзунда илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда университет профессор-ўқитувчилари, олимлар ва соҳа мутахассислари, катта илмий ходимлар, стажёр-тадқиқотчи изланувчилар ҳамда магистр ва талабалар иштирок этишди.

Мазкур анжумани ўтказишдан қўзланган асосий мақсад замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини янада ривожлантириш, уларни таълим тизими ва ишлаб чиқаришга бевосита татбиқ этиш, шунингдек, фаннинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, масофавий таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг самардорлигини оширишдан иборатдир, — дейди кафедранинг катта ўқитувчиси Г.Аблизова. — Интернет тармоғида мустақил сайтлар очиб, уларни керакли ва оммабоп маълумотлар билан бойитиб бориш, тахририятларда газета ва журналларни нашрга тайёрлаш, масофавий таълимда АКТларнинг аҳамияти ва ўрни мавзусидаги кўпгина иқтидорли талабаларнинг чиқишлари бизни янада қувонтирди.

Маълумот ўрнида айтиш керакики, анжуманга ўндан ортиқ илмий мақолалар топширилиб, уларнинг июнь ойида университетнинг «Ёш олим-2013» аънаввий илмий мақолалар тўпламида чоп этилиши режалаштирилган.

— Мазкур анжуманда мен «Ахборотлашган жамиятда ахборот хавфсизлиги» мавзусидаги илмий мақолам билан иштирок этипман, — дейди университетнинг Халқаро журналистика факультети талабаси Дилназоз Йўлдошева. — Бугунги тадбир давомида энг сўнгги ва энг янги иштироклардан, маълумотлардан бохабар бўлдим.

Анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини учун кенг имкониятлар эшиги очилиб, уларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилаётган экан, албатта бу мазкур соҳанинг иқтисодиётимиздаги ўрнининг янада мустақамланишида ўзига хос омил бўлади.

Асосийси эса ишбилармонларнинг эл-юрт фаровонлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси салмоқли бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлар сафининг кенгайиши ишлаб чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардор маҳсулотларда, жаҳон андозлари даражасидаги хизмат кўрсатишда, аҳоли бандлигини таъминлашда бош омилдир.

Бизнес вакиллари ўртасида ижтимоий шериклики, ҳўжалик алоқаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Махалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда «Бир тадбиркор — учта ҳамкор» акцияси ўтказилмоқда. Мазкур акция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш фонди гранти асосида ташкил этилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси Кенгашининг ўқув марказида ушбу тадбирнинг Тошкент шахар босқичи ташкил этилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда янги иш

ўринлари очиб, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилга айланаётган, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шахар босқичида Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш истиқболлари бўлими бошлиғи Бехзод Ибрагимов. — Бугунги кунда акциянинг туман босқичлари ўтказилди ҳамда унда иштирок этмокчи бўлган илгор, ижтимоий масъулиятли тадбиркорлар рўйхати шакллантирилди. Тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотлар www.biznes-hatkor.uz веб-саҳифасига киритилди. Мазкур веб-саҳифани доимий равишда тўлдириб, такомиллаштириб бориш режалаштирилган. Масаланинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, бугунги кунда юзлаб тадбиркорлар ўзининг фаолиятига ишлаб чиқаришни жорий этиш, ихчам ускуналар ва мини-технологияларни харид қилиш мақсадида хорижий давлатларга бориш юзасидан мурожаатлар қилмоқда.

Аммо, аксарият ҳолларда хорижий давлатларга технология ўқуналар харид қилиш юзасидан бораётган тадбиркорларнинг мазкур технологияга қўйиладиган талаблар, стандартлар тўғрисида тўлиқ ахборотга эга эмаслиги маълум бўлмоқда.

Савдо-саноат палатаси ва ҳудудий бошқармалар ҳузуридаги ўқув

марказларида тадбиркорлар технология ускуналарни харид қилиш нукта назаридан мақсадли ўқувлар бўйича ўқитилмоқда ҳамда акцияда иштирок этаётган тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари билан таништирилмоқда. Бундан ташқари ҳар бир шахс республикаимизнинг барча ҳудудларида маълум бир соҳада (масалан: текстиль, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика) фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар тўғрисида ахборот олиш, тадбиркор билан ўзаро ҳўжалик муносабатларини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлади.

Акциянинг мақсади тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятида эришилган илгор таърибаларни оммалаштириш; «Уста-шогирд» аънавларини ривожлантириш орқали илгор натижаларга эришган тадбиркорларнинг амалий таърибасини кенг бизнес вакиллари, тадбиркорлик фаолиятини бошламокчи бўлган жисмоний шахслар, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш; ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш; инновацион бизнес гояларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; илгор тадбиркорларнинг электрон базасини яратишдан иборат.

«Битта тадбиркор — учта ҳамкор» акцияси доирасида ёшларнинг илгор тадбиркорлик субъектларида «Уста-шогирд» аънавларига асосланган ҳолда малака оширишлари, амалий таъриба ўрганишларини ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

МАҲАЛЛАНИНГ ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИ

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Фани Аъзамов номидаги маҳаллада кексаларни эъзозлаш, уларнинг ўғитларига амал қилиш яхши анъанага айланган.

Шу боис маҳалла муҳити соғлом, ўзаро меҳр-оқибат мустаҳкам. Айни кунларда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиниб, хонадонлари обод этилаётди. Бунда Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуруламал бўлмоқда.

— Юртбошимизнинг фармонини ўқиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Эшпўлат Саидалиев. — Бу мамлакатимизда биз, фахрийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва эъзознинг яна бир ёрқин намунасидир.

Тўқсон ёшни қаршилаётган Эшпўлат ота болалигидан боғдорчилик, иморатсозлик, дурадгорлик каби касб сирларини пухта эгаллаган. Ўн саккиз ёшда урушга кетган. Кейин умрининг ярим асрдан кўпрогини иморат қуриш, хонадон-ю маҳалласига дарахт ва гул ниҳоллари экиб обод этишга сарфлаган. Унинг бу хайрли ишларидан минглаб одамлар баҳраманд бўлди, юзлаб ёшлар бободан ана шу касб сирларини ўрганган ва ўрганиб келмоқда.

— Мамлакатимизда хунаридан ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилаётгани мени жуда қувонтиради, — дейди отахон. — Шаҳарларимизда, қишлоқларимизда қурилаётган замонавий бинолар, уй-жойларни кўриб, тасаннолар айтаман. Юртимиздаги тинчлик, оқоилишлик ва кут-бара-



канинг қадрига етсак, ана шундай хайрли ишларга барчамиз бош қўшсак, Ўзбекистонимиз бундан ҳам обод бўлади.

Эшпўлат Саидалиевнинг кўксини давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ берилган "Жасорат" медали бе-заб турибди. Отахон дориломон кунларда, истиқлол ша-рофати билан олган бу юксак мукофотини алоҳида эъзоз-лайди.

Олмазор туманида Эшпўлат ота каби пиру бадавлат кек-салар кўп. Улардан олтимиш нафардан ортиги Иккинчи жа-ҳон уруши қатнашчиси.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири**

Яккасарой туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими билан ҳамкорликда кеча «Табассум» ресторанида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Обод юрда қадрланган нуронийлар» мавзусида 300 нафар 2-жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, афгон уруши қатнашчилари ҳамда туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар вакиллари учун тадбир ташкил қилинди.

ОБОД ЮРТДА НУРОНИЙЛАР ҚАДРЛАНАДИ

Тадбир давомидида уруш ва меҳнат фахрийлари сўзга чиқиб, бугун-гидек дориломон кунларининг қадрига етиш, Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир иштирокчилари учун ту-ман маданият бўлими ходимлари, таниқли санъаткорлар ва ёш иж-рочилар, Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби, 18-му-сиқали мактаб ўқувчилари, эстра-

да-цирк коллежи ўқувчиларининг ранг-баранг дастурлари намойиш этилди.

Бундан ташқари, Хотира ва қадр-лаш кунига бағишлаб туманда исти-қомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, афгон уруши қатнаш-чиларидан 681 нафарининг хонадо-нига ташриф буюриб, туман ҳоким-лиги ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

бий таҳлил олиш, хасталикни эрта босқичда аниқлаш ва беморларга самарали тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Сил билан хасталаниб, шифохона-да даволаниб чиққан беморлар, кейинги босқичда биз-нинг назоратимизда бўлади ва тегишли муолажалар олиб борилади. Беморларга дори-дармонлар мутахассис ши-фокор кўрсатмаси асосида бепул етказиб берилмоқда.

— Бундан олти ой олдин хасталаниб қолдим, — дейди Юнусобод тумани Минор маҳалласида яшовчи Исмоил Номозов. — Оилавий поликлиникамиз шифокорлари тиб-бий кўриқдан ўтказиб, 4-сил касалликлари диспансерига йўллана беришди. Шифохонада икки ой даволандим. Кейин оилавий поликлиникада муолажаларни давом эт-тирдим. Барча даволалар курслари ва дориларни ўз вақти-да қабул қилдим. Ҳозир аҳолини яхши, белгиланган муд-датда шифокорлар кўригидан ўтиб, меҳнат фаолиятини давом эттирялман. Мамлакатимизда инсон саломатлиги-ни асрашга қаратилаётган улкан эътибор туфайли оғир хасталикдан тузалиб, оилам бағрига қайтганимдан жуда хурсандман.

Бундай кенг кўламли чора-тадбирлар самарасида мам-лакатимизда сил бўйича эпидемиологик вазият яхшилан-моқда. Кейинги ўн йилда бу борада ўлим кўрсаткичи уч марта, касалланиш деярли икки баробарга камайди. 2011 йилда мам-лакатимизда бўлган Жаҳон соғлиқни сақ-лаш ташкилотининг халқаро баҳолаш бўйича миссияси бирламчи тиббий-сани-тария тизимида силни тахшиш ва да-волаш бўйича мамлакатимиз тажрибаси-ни алоҳида эътироф этгани ҳам фикри-миз тасдиғидир.

Оғир тиббий-ижтимоий касалликлардан яна бири диабетдир. Бугунги кунда бу касаллик XXI аср эпидемияси деб эълон қилиниб, унинг олдини олиш бундан дунёда долзарб вазифага айланган.

Мамлакатимизда диабетни даволаш ишлари ҳам ти-зимли асосда амалга оширилмоқда. Хусусан, диабет билан хасталанган беморларга дори-дармон эндокриноло-гия диспансерлари ва бирламчи тиббиёт масканлари ор-қали бепул ва манзилли тарзда етказиб берилмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумоти-га кўра, қатталар ўртасида қандли диабет билан хаста-ланганларга 70-75 фоиз, болаларга 100 фоиз инсулин бепул тарқатилмоқда. Шу билан бирга, мазкур хасталик-нинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиб-биёт маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Эндокринолог-лар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили ноябрь ойида диабетга қарши кураш ойлиги ўтка-зилмоқда. Бу аҳолига диабетнинг хавфли омиллари ҳақида маълумот бериш, унинг олдини олиш, аҳолини ўз вақтида тиббий кўриққа жалб этиш, ҳар бир инсонда ўз соғлиғига масъулият ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бундай кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида мам-лакатимизда туберкулез ва диабетнинг асоратларини ка-майтириш, аҳоли саломатлигини асраш борасида юксак самараларга эришилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА

КУТУБХОНАГА ҚАДИМИЙ КИТОБЛАР ҲАДЯ ЭТИЛДИ

АҚШнинг Индиана университетиди Яқин Шарқ, Марказий Осиё ва Ислон маданияти топиламалари бўйича библиограф сифатида фаолият кўрсатиб келаётган арабшунос олим Ақром Ҳабибуллаев томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига 10 та араб кўлёмасидаги қадимий китоблар ҳадя қилинди.

Шу муносабат билан кутубхонада А.Ҳабибуллаев ва фаол китобхон ёшлар иштирокида учрашув ўтказилди. — Тақдим қилинаётган китоблар асосан XVIII-XX аср-ларда яратилган «Мухтасар виқоя», «Салотул масъудий», «Маслукул муттақий», «Тавсири Куръон», «Ҳадислар тўплами» каби тўртта босма ва 6 та кўлёмза китоблар-дир, — деди Ақром Ҳабибуллаев. — Бу китоблар ме-нинг ота-боболаримдан мерос бўлиб қолган. Улар ўз даврида диний олим ва мударрис сифатида фаолият юритишган.

Ақром Ҳабибуллаев 1984 йилда Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетини та-момлаган. У АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Пат-герс университетининг ахборот-кутубхоначилик иши бўйича магистрлик даражасига эга. Бу тилшунос олим меҳнат фаолияти давомидида Яман ва Ливия дав-латларида араб тили бўйича таржимон, Буюк Брита-ниядаги Оксфорд Ислон тадқиқот марказида тадқи-қотчи сифатида фаолият кўрсатган. Шунингдек, АҚШнинг Принстон етакчи тадқиқотлар институтида каталоглаштириш бўлимида илмий ходим лавозимида ишлаган. А.Ҳабибуллаев Марказий Осиё Тадқиқот-лари қўмитаси, Яқин Шарқ тадқиқотлари Ассоциа-цияси ҳамда Ислон кўлёмзалари Ассоциацияси аъзо-сидир.

**Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»**

Тадбирлар

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Республика болалар ижтимоий мослашув марказида нодавлат нотижорат жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда ҳокимликлар вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат ҳамда давлат органларининг ўзаро ҳамкорликларини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Унда келажагимиз ворислари — болалар ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари, меҳрга, ёрдамга муҳтож болаларга ҳомийлик ва васийлик қилиш-нинг ҳуқуқий асослари, бу борада бажариладиган иш-ларда қонун устуворлигини таъминлаш масалалари му-ҳокама қилинди. Албатта бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориш зарурлиги тадбир қатнашчилари томонидан таъ-кидлаб ўтилди. Шунингдек, тадбир якунида қатнашчи-лар мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб ишлар юзасидан режалар ҳамда тавсияларни янада мукамал ҳолда тайёрлаш зарурлиги ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

(Ўз мухбириимиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS
MULK SAVDO» M'CH**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган
очик аукцион савдосига таклиф этади**

Аукцион савдосига М.Улугбек тумани СИБ то-монидан тақдим этилган Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 20 сентябрдаги №10-1115/12139-сонли ижро варақасига асосан, бошлан-ғич нархи – 43 444 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамаза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, умумий майдони 9,0 кв.м. дан иборат 177-сонли турғун савдо дўкони қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 7 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хона-да бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 7 июнь куни сотилмаган тақдирда тақдорий аукцион савдоси 2013 йил-нинг 28 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши-ни аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлма-ган миқдорда закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» M'CHнинг АТИБ «Ипо-тека банк» Шайхонтохур филиалидаги ҳисоб ра-қамига 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун та-лабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжат-ларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар-дан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олма-зор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур туманидаги 316-умум-таълим мактаби томонидан 2007 йилда Абдуллаев Бо-буржон Боқодир ўғли номига берилган У 2898762 ра-қамли шохдотнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилот марказий кенга-шида Ўзбекистон Республикаси Олий Мах-лиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамкор-лигида «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди.

Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, курсант-лар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсиз-лик масалалари қўмитаси раиси Қ.Ҳўраев ва бошқалар мамлакатимизда ўтганларни хотирлаш, кексаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчи-лари ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Бу айни

кунларда юртимизда нуронийларга кўрса-тилаётган юксак ҳурмат-эҳтиромда ҳам ўз ифодасини топаётди.

— Президентимиз томонидан Иккинчи жа-ҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган юксак эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтари-лади, — дейди ЎЗА мухбирига уруш ва меҳ-нат фахрийси М.Ҳасанов. — Уруш йиллари-нинг қийинчиликларини эслаганимда тинч-оқоилишга, фаровон ўтаётган ҳар бир кун-имиз учун шукроналар айтаман. Турли учра-шувларда ёшларга ўтимиш хотираларим, ҳаёт тажрибам ҳақида сўзлаб, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишни, яратилаётган им-кониятлардан унумли фойдаланишни наси-ҳат қиламан.

Тадбирда фахрийларга байрам совғалари топширилди.

З.ЖОНИБЕКОВ

Обод турмушнинг муҳим шартларидан бири инсон саломатлиги мустаҳкамлигидир. Мамлакатимизда замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бундай кенг кўламли ислохотлар жараёнида оғир тиб-бий-ижтимоий касалликларга қарши курашиш, уларнинг асоратларини камайитиришга алоҳида эътибор қаратилмоқ-да. Жумладан, сил касаллиги ва диабетга чалинган бе-морларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 март куни қабул қилинган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касал-ланган каймайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу соҳадаги тиббий хизмат сифатини янада юксалтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чи-қилган 2011-2015 йилларга мўлжаллан-ган махсус дастур изчиллик билан амал-га оширилмоқда. Хусусан, Республика их-тисослаштирилган фтизиатрия ва пуль-монология илмий-амалий тиббиёт мар-кази тубдан реконструкция қилиниб, за-монавий тиббий технологиялар билан жи-хозланди. 2015 йилга қадр мамлакатим-издаги барча сил касалликлари шифо-хоналарини қайта таъмирлаш ва жиҳоз-лаш режалаштирилган.

Мутахассислар маалакасини ошириш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш доимий эъти-борда. Хусусан, олимларимизнинг силнинг турғун, дориларга чидамли шаклларини аниқлашга оид илмий изла-нишлари натижасида даволаш ишларининг самараси яна-да ошмоқда.

— Илгари сил билан хасталанган беморлар 8-10 ойлаб шифохонада даволанишига тўғри келарди, — дейди ЎЗА мухбирига Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази дирек-торининг ўринбосари Даврон Мухторов. — Шифохона-ларда яратилаётган замонавий шароит, самарали диагно-стика ва даволаш усулларининг кенг жорий этилиши тиб-бий ёрдам сифатини ошириш имконини бермоқда. Ҳозир беморлар стационар шароитда икки ой даволанмоқда. Кейин оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктла-ридаги ДОТС хоналарида фаолият юритаётган шифокор-лар ва ҳамширалар назорати остида касаллиқнинг тури ва даражасига қараб муолажаларни давом эттираётди.

Ҳар қандай касаллик каби силни ҳам эрта босқичларда аниқлаш беморни соғломлаштиришда муҳим ўрин тут-ади. Шу боис мамлакатимиздаги бирламчи тиббиёт мас-канларида анъанавий тарзда ташкил этилаётган соғлом-лаштириш ҳафталикларида аҳоли, бошқа тиббий таҳлил-лар қатори, флюорографик текширувдан ҳам ўтказила-тир.

Барча қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликли-никаларда ДОТС хоналари ташкил этилган. Улар бемор-

лардан тиббий таҳлиллар олиш ва сақлаш учун зарур асбоб-ускуналар, музлаткичлар билан таъминланган.

Сил касаллиги ижтимоий хавфи юқори хасталиклар то-ифасига киради. Бу дардга чалинганлар узок муддатли тиббий-ижтимоий кўмакка эҳтиёж сезади. Мамлакатимиз-да бундай беморлар давлат муҳофазасига олинган. Улар-га барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилади, дори-дар-монлар бепул етказиб берилди.

Беморларга дори-дармон етказиб беришнинг марказ-лашган тизими жорий этилган. Ҳар йили мамлакатимизда сил бўйича эпидемиологик вазият ва мазкур дори-дар-монга эҳтиёж мутахассислар томонидан чуқур ўрганила-

2013 йил — Обод турмуш йили

БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОН, МАНЗИЛЛИ ТИББИЙ ЁРДАМ

ди. Мазкур маълумотлар асосида дори-дармонга буюрт-ма берилди. Бу жараёнда ОИТС, сил ва безгадка қарши кураш глобал жамғармаси томонидан ажратилган грант маблағларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Тегишли дори-дармонларнинг ҳар бир беморга ўз вақ-тида етиб боришини таъминлаш мақсадида ушбу шифо воситалари силга қарши кураш шифохоналари, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларга тизим-ли асосда тарқатилди. Бирламчи тиббиёт масканларида ташкил этилган ДОТС хоналарида ҳар бир бемор зарур дорини врач ва ҳамшира назорати остида қабул қилади. Ушбу маълумотлар журналларда қайд этиб борилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли инспекцияси, Республика ихтисослаштирилган фтизиат-рия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ДОТС маркази, Глобал жамғарманинг лойи-ҳани ҳаётга татбиқ этиш бюроси мутахассислари мазкур тиббиёт муассасаларида силни даволаш, дори-дармон-ларни беморларга етказиш бўйича амалга оширилаётган даволаш ишларини доимий кузатиб боради.

— Оилавий поликлиникамиз томонидан йигирма минг-дан зиёд аҳолига бирламчи тиббий-профилактика ёрдами кўрсатилмоқда, — дейди пойтахтимизнинг Юнусобод тум-анидаги 53-оилавий поликлиника бош шифокори Гулмира Қосимова. — Турли юқумли касалликлар, жумладан, силга қарши курашиш мақсадида аҳоли ўртасида доимий тарғи-бот олиб боряпмиз. ДОТС хонасида замонавий усулда тиб-

